



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK  
PALATASI KENGASHINING VA O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY  
MAJLISI SENATI KENGASHINING

**QO‘SHMA QARORI**

**Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан  
фойдаланиш самарадорлигини янада оширишга  
доир чора-тадбирлар тўғрисида**

Жорий йилнинг 8 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида коронавирус пандемиясига қарши курашишда жойлардаги ишлар натижадорлиги таҳлили ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишнинг муҳим манбаи бўлган томорқачиликни ривожлантиришга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди. Ушбу вазифаларни ҳар томонлама муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Кенгашлари таъкидлайдики, мамлакатимизда бугунги кунда аҳоли томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда фуқаролар бандлигини таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилишини тақозо этмоқда.

Коронавирус пандемияси келтириб чиқараётган инқирозга қарши курашиш шароитида томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил этиш, бу йилги мураккаб вазиятни ҳисобга олиб, томорқалардан аввалги йилларга қараганда икки баробар кўп ҳосил олиш ўта долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Охириги йилларда Давлатимиз раҳбари томонидан аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш бўйича қабул қилинган қарорлар асосида амалга оширилган бир қатор муҳим ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, унинг ҳудудий органлари тузилганлиги, маҳалла фуқаролар йиғинларида томорқа билан шуғулланадиган алоҳида ўринбосар лавозими жорий этилганлиги, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилганлиги, ушбу кенгаш ҳузурида Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолияти йўлга қўйилганлиги ҳамда аҳолига уруғлик ва кўчат етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш бўйича «Томорқа хизмати» корхоналари фаолият кўрсата бошлаганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Коронавирус пандемияси юзлаб мамлакатларда, ҳатто энг ривожланган давлатларда ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги сиёсат ва

чора-тадбирлар етарли эмаслигини яққол кўрсатди. Мамлакатимизда озик-овқат маҳсулотларига нисбатан бўлган ички талабни тўлик қаноатлантириш, аҳоли даромадларини ошириш ва унинг фаровонлигини янада юксалтириш борасида ишга солинмаган катта захира ва имкониятлар мавжуд. Бу соҳадаги ишлар натижадорлигини ошириш учун эса таъсирчан парламент ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида 8 апрель куни ўтказилган коронавирус пандемиясига қарши курашишда жойлардаги ишлар натижадорлиги таҳлили ҳамда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишнинг муҳим манбаи бўлган томорқачиликни ривожлантиришга бағишланган йиғилишда белгилаб берилган вазифалар бугунги кунда долзарб эканлиги таъкидлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини янада оширишга доир тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги туманлар ва шаҳарларда аҳолига ўз томорқасидан самарали фойдаланишда ҳар томонлама ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларидан иборат Ишчи гуруҳ тузилсин ҳамда унинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қуйидагилар Ишчи гуруҳнинг (Р.Мамутов ва Б.Тажиев) асосий вазифалари этиб белгилансин:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда уларнинг ҳудудий органларига аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этишда амалий ёрдам бериш;

Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланишни ташкил этишга кўмаклашиш;

деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш масалалари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан ўрганилиши ҳамда муҳокама қилинишида амалий ёрдам кўрсатиш;

деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш бўйича таъсирчан депутат ва жамоатчилик назоратини ташкил этишга кўмаклашиш;

кам таъминланган, қаровчиси бўлмаган оилаларга илғор фермерларни бириктириш, томорқа ерларига ишлов бериш, экин экиш ва у ерларни парваришда ёрдам берилиши ҳамда бу мақсадда маҳаллий бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг тўғри сарфланиши устидан самарали парламент назорати ўрнатилишини ташкил этиш;

деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ерларидан унумли фойдаланилишини таъминлашга қаратилган, шу жумладан томорқа ерлари қаровсиз ташлаб қўйилишига йўл қўймаслик ҳамда уларга экин экиш зарурлиги тўғрисида тарғибот ишларини олиб бориш;

ерлардан самарали фойдаланаётган томорқа ер эгаларини рағбатлантириш борасидаги мавжуд механизмларнинг самарали қўлланилишини ташкил этишга кўмаклашиш;

деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, парранда ва чорва молларини парвариш қилиш, мевали дарахтлар экиш ишларини тизимли ташкил этиш ҳамда томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш;

бу соҳадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси (Ж.Ширинов) ҳамда Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси (Б.Матмуратов) томорқа ер участкаларидан оқилона фойдаланилмаганлиги учун жавобгарликни янада кучайтириш юзасидан **бир ҳафта муддатда** таклифлар ишлаб чиқсин ҳамда киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси (Р.Мамутов) ҳамда Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитаси (Б.Тажиев):

деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан фойдаланилишини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини **бир ойлик муддатда** ҳар томонлама инвентаризациядан ўтказсин ҳамда тегишли таклифлар тайёрласин, шунингдек аҳолининг ўзи яшаб турган томорқасидан ҳамда даладаги ерлардан ажратилган томорқасидан самарали фойдаланилишини тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқсин;

мутасадди вазирлик ва идораларнинг деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборотини **ҳар чоракда** эшитсин, шунингдек, ҳудудларда мунтазам муҳокамалар ўтказсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига:

деҳқон хўжаликлари билан ҳамда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланмаётган ер эгалари билан тушунтириш ишларини олиб бориш, мавжуд муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланилишига ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга доир

масалаларни халқ депутатлари вилоят ва туман (шаҳар) Кенгашлари сессияларида муҳокама қилиб бориш;

деҳқон хўжаликлари ерлари ва аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш борасида олиб борилаётган ишларни доимий равишда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур Қўшма қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари А.Хайтов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари З.Низамходжаев зиммасига юклатилсин.

9. Ушбу Қўшма қарор тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг тасдиғига киритилсин.

10. Ушбу Қўшма қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси**  
**Қонунчилик палатасининг**  
**Спикери**



**Н. Исмоилов**

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 13 апрель,  
№ 222–IV/КҚ-33–IV.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси Сенатининг**  
**Раиси**



**Т. Нарбаева**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
 Қонунчилик палатаси Кенгашининг  
 ва Ўзбекистон Республикаси Олий  
 Мажлиси Сенати Кенгашининг 2020 йил  
 13 апрелдаги № 222-IV/КҚ-33-IV -сонли  
 Қўшма қарорига  
 1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг деҳқон хўжаликлари  
 ва томорқа ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини янада оширишга доир  
 ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

№	Амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар
1.	Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги туманлар ва шаҳарларда аҳоли томонидан ўз томорқасидан самарали фойдаланишда уларга ҳар томонлама қўмаклашиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларидан иборат <b>Ишчи гуруҳнинг видеоконференция шаклидаги йиғилишини</b> ўтказиш.	Ишчи гуруҳнинг видеоконференция шаклидаги йиғилишини ўтказиш. Бунда: Ишчи гуруҳ аъзолари ўртасида <b>вазифаларни тақсимлаш</b> ; деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа ерларидан самарали фойдаланишни ўрганиш ҳамда аҳолига ҳар томонлама ёрдам берилишига қўмаклашиш бўйича ҳудудларга бириктирилган депутатлар ва сенаторлар учун <b>саволнома ишлаб чиқиш</b> ; Ишчи гуруҳнинг ҳудудлардаги <b>фаолиятини ташкил этиш механизмларини</b> кўриб чиқиш.	15 апрель	Ишчи гуруҳ (Р.Мамутов, Б.Тажиев),  Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши
2.	Халқ депутатлари Кенгашлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ўзбекистон Фермер, деҳқон	1. Ишчи гуруҳ фаолиятига маҳаллий Кенгашлар депутатларини жалб қилиш ва уларни маҳаллаларга бириктириш. 2. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан деҳқон	Доимий	Ишчи гуруҳ аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари

№	Амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар
	хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда уларнинг худудий органларига аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этишда амалий ёрдам бериш.	хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш масалаларини ўрганиш ва муҳокама қилишда амалий ёрдам бериш; 3. Дехқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа ерларидан самарали фойдаланиш ҳолатини ўрганиш ишларини ташкил этиш. 4. Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги масалаларини маҳаллий Кенгашларда муҳокама қилиш.		вилоятлар Кенгашлари, халқ депутатлари туманлар (шаҳарлар) Кенгашлари
3.	Ўзбекистон Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши хузуридаги Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланишни ташкил этишга кўмаклашиш.	1. Ишчи гуруҳ жойларда амалга ошириладиган ўрганишлар давомида ушбу Жамғарма маблаларидан мақсадли фойдаланишни ўрганиб бориш. 2. Ўрганишлардан келиб чиққан ҳолда, Жамғарма маблағларидан янада самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.	апрель-май  май	Ишчи гуруҳ, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Молия вазирлиги
4.	Кам таъминланган, қаровчиси бўлмаган оилаларга илғор фермерларни бириктириш, томорқа ерларига ишлов бериш, экин экиш ва парваришда ёрдам берилиши ҳамда бу мақсадда маҳаллий бюджетдан ажратиётган маблағларнинг тўғри сарфланиши устидан самарали депутатлик назоратини ўрнатиш.	1. Маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда туман (шаҳар)даги кам таъминланган, қаровчиси бўлмаган оилалар ҳамда илғор фермерларнинг рўйхатини шакллантириш. 2. Шакллантирилган рўйхат асосида кам таъминланган, қаровчиси бўлмаган оилаларга илғор фермерларнинг бириктирилиши ҳолатини мониторинг қилиш.	15 апрель  20 апрель  30 апрель	Ишчи гуруҳ аъзолари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда уларнинг худудий органлари, Маҳаллий ҳокимликлар



№	Амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар
7.	Томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланмагани учун жавобгарликни янада кучайтириш юзасидан таклиф ишлаб чиқиш.	<p>1. Олий Мажлис палаталарининг тегишли қўмиталари абзоларидан иборат ишчи гуруҳ тузиш.</p> <p>2. Ишчи гуруҳ томонидан соҳага оид амалдаги қонун ҳужжатларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиб, ҳар томонлама кўриб чиқиш.</p> <p>3. Кўриб чиқиш якунлари ва ишлаб чиқилган таклифлар асосида томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланмагани учун жавобгарликни янада кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳасини тайёрлаш.</p> <p>4. Қонун лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш.</p> <p>5. Ушбу қонун лойиҳасини белгиланган тартибда Қонунчилик палатасига киритиш.</p>	<p>15 апрель</p> <p>15 апрель</p> <p>20 апрель</p>	<p>Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-хуқуқ масалалари қўмитаси,</p> <p>Олий Мажлис Сенатининг Суд-хуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси</p> <p>Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси</p>
8.	Дехқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа ер участкаларидан фойдаланишни тартибга солувчи амалдаги қонун ҳужжатларини ҳар томонлама инвентаризациядан ўтказиш ҳамда таклифлар тайёрлаш, шу жумладан, аҳоли ўз яшаб турган томорқаси ҳамда даладаги ерлардан ажратилган томорқадан фойдаланишни тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатлари лойиҳасини ишлаб чиқиш.	<p>1. Олий Мажлис палаталарининг тегишли қўмиталари абзоларидан иборат ишчи гуруҳ тузиш.</p> <p>2. Ишчи гуруҳ томонидан амалдаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган таклифларни муҳокама этиш асосида тегишли қонун ҳужжатлари лойиҳасини тайёрлаш.</p>	<p>15 апрель</p> <p>20 апрель</p> <p>30 апрель</p>	<p>Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси,</p> <p>Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси</p>

№	Амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар
9.	Худудларда, айникса, қишлоқ хўжалиги шароитлари оғир бўлган туманларда экинлар экиш аҳолини ҳар ойда қуйи палата депутатлари ва сенаторлар томонидан ўрганиш ҳамда аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўриш.	<p>1. Жойлардаги муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини, шу жумладан, ерни тайёрлаш, уруғ, кўчат ва дарахтлар экиш, иссиқхоналар қуриш ҳолатининг даврий мониторингини юритиш.</p> <p>3. Амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чоракда Олий Мажлис палаталарининг тегишли кўмиталарига ахборот бериб бориш.</p> <p>4. Олий Мажлис палаталарининг тегишли кўмиталари томонидан Ишчи гуруҳнинг тақдим қилинган ахборотларини умумлаштириш ва Олий Мажлис палаталари Кенгашларига кўриб чиқиш учун киритиш.</p>	<p>15 апрель</p> <p>ҳар ойда</p> <p>ҳар чоракда</p> <p>режа асосида</p>	<p>Ишчи гуруҳ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари</p>
10.	Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгаларининг шахсий манфаатдорлиги ва масъулиятини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан тегишли вазирлик, идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг Олий Мажлис	<p>1. Ишчи гуруҳ томонидан жойларда аниқланган тизимли муаммоларни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг бориши юзасидан вазирлик, идоралар ҳамда худудлар кесимида таҳлилий маълумотлар тайёрлаш.</p> <p>2. Таҳлилий маълумотлар асосида бу борада амалга оширилаётган ишлар юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларида</p>	<p>ҳар ойда</p> <p>режа асосида</p>	<p>Олий Мажлис палаталарининг тегишли кўмиталари</p>

№	Амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар
11.	<p>Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларида ҳисоботини эшитиш амалиётини йўлга қўйиш.</p> <p>Оммавий ахборот воситаларида деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланиш тарғибот-тушунтириш юзасидан олиб бориш.</p>	<p>тегишли вазирлик, идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг ҳисоботини эшитиш.</p> <p>1. Оммавий ахборот воситаларида тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш юзасидан медиа-режа ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан экин майдонларидан самарали фойдаланиш, деҳқончилик маданиятини юксалтиришга қаратилган туркум телекўрсатувлар, радио эшиттиришлар ва босма матбуотда чиқишлар ташкил этиш.</p> <p>3. Марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали сенатор ва депутатларнинг чиқишларини ташкил этиш.</p>	<p>апрель</p> <p>доимий равишда</p>	<p>Олий Мажлис палаталарининг Матбуот хизматлари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги</p>

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
 Қонунчилик палатаси Кенгашининг  
 ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
 Сенати Кенгашининг 2020 йил 13 апрелдаги  
 № 222–IV/ КҚ-33–IV-сонли  
 Қўшма қарорига  
 2-Илова

**Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги туманлар ва шаҳарларда аҳоли  
 томонидан ўз томорқасидан самарали фойдаланишда уларга ҳар томонлама ёрдам  
 берилишига қўмаклашиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
 депутатлари ва Сенат аъзоларидан иборат Ишчи гуруҳ  
 Т А Р К И Б И**

Т/р	Ф.И.О.	Лавозими	Худудлар
<b>Ишчи гуруҳ ҳамраҳбарлари</b>			
1.	<b>Тажиев</b> Баҳадир Садуллаевич	Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси	Республика бўйича
2.	<b>Мамутов</b> Равшан Аминаддинович	Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси	
<b>Ишчи гуруҳ аъзолари</b>			
3.	<b>Алдамуратов</b> Баҳытбай Умирзақович	Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси	Қорақалпоғистон Республикаси
4.	<b>Данияров</b> Абатбай Сапарбаевич	Сенат аъзоси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси	
5.	<b>Отахонова</b> Одинахон Иномовна	Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси	Андижон вилояти
6.	<b>Ғаниев</b> Ақром Тўлқиневич	Сенат аъзоси, “Nil-Granit” масъулияти чекланган жамияти директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари	
7.	<b>Рахмонов</b> Шерзод Толибович	Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси	Бухоро вилояти
8.	<b>Ачилов</b> Нурмухамед Нуруллаевич	Сенат аъзоси, “Парвоз Хумо Равнақ Транс” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси	
9.	<b>Ўразбоев</b> Урал Камолович	Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси	Жиззах вилояти
10.	<b>Пардаев</b> Нусуратулла	Сенат аъзоси, халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутати, Жиззах вилояти Касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси	
11.	<b>Исламов</b> Ўктам Шуқуруллаевич	Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси	Навоий вилояти
12.	<b>Ходжаев</b> Жамшид Бахтиёрович	Сенат аъзоси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Навоий вилояти Кенгаши раиси	
13.	<b>Мирзамова</b> Барнохон Косимбаевна	Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси	Наманган вилояти
14.	<b>Нажмиддинов</b> Икромхон	Сенат аъзоси, Наманган вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари	

15.	<b>Абдиев</b> Ғайрат Эргашевич	Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси	Самарқанд вилояти
16.	<b>Джалолов</b> Шавкат Амонович	Сенат аъзоси, “Agromir group” директорлар ассоциацияси Кенгаши раиси	
17.	<b>Султонов</b> Нуриддин Абдухамидович	Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси	Сирдарё вилояти
18.	<b>Сотиболдиев</b> Улуғбек Норхожаевич	Сенат аъзоси, Мирзаобод туманидаги “ВЕК Cluster” масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси бош директори	
19.	<b>Шарипов</b> Фирдавс Холназарович	Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси	Сурхондарё вилояти
20.	<b>Тошқулов</b> Абдукодир Хамидович	Сенат аъзоси, Термиз давлат университети ректори	
21.	<b>Абдувалиев</b> Нодиржон Раҳматжонович	Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси	Тошкент вилояти
22.	<b>Тоиров</b> Махмуджон	Сенат аъзоси, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари	
23.	<b>Қодиров</b> Бегали Яқубович	Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси	Фарғона вилояти
24.	<b>Султанов</b> Иброҳим Аширалиевич	Сенат аъзоси, Қўштепа туманидаги “Исмоилжон гиламлари” хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари	
25.	<b>Холмаҳаматова</b> Шахноза Бахтиёр қизи	Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси	Қашқадарё вилояти
26.	<b>Шамсиев</b> Шермат Жўрақулович	Сенат аъзоси, “Муборак газни қайта ишлаш заводи” масъулияти чекланган жамияти директори	
27.	<b>Тўразода</b> Батирбек Бектурди ўғли	Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси	Хоразм вилояти
28.	<b>Шарипов</b> Умарбек Куранбаевич	Сенат аъзоси, Хоразм вилояти Урганч туманидаги “Тилло домор” хусусий корхонаси раҳбари	

*Изоҳ: Ишчи гуруҳ таркибига Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бошқа депутатлари ва Сенатининг бошқа аъзолари ҳамда маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари ҳам жалб этилиши мумкин.*